

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**РАСУЛОВА ФЕРУЗАХОН ҒОФИРОВНА**

**АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИДА САБЗАВОТ ВА ТАКРОРИЙ  
ЭКИНЛАРНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ, ҒЎЗА ҲАМДА ҒАЛЛА  
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ  
(Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида)**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of  
agricultural sciences**

**Расулова Ферузахон Гофировна**

Алмашлаб экиш тизимларида сабзавот ва такрорий экинларнинг тупроқ  
унумдорлиги, ғўза хамда ғалла ҳосилдорлигига таъсири  
(Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида)..... 3

**Расулова Ферузахон Гофировна**

Влияние овощных и повторных культур на плодородие почвы,  
урожайность хлопчатника и зерноколосовых в схемах севооборота (в  
условиях светлых сероземных почв Андижанской  
области)..... 21

**Rasulova Feruzakhon Gofirovna**

Effect of vegetables and summer crops on soil fertility, yields of cotton and  
winter wheat in crop rotation schemes. (in conditions of light sieroseme soils  
of the Andijan province)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ ..... 43  
List of published works .....

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**РАСУЛОВА ФЕРУЗАХОН ҒОФИРОВНА**

**АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИДА САБЗАВОТ ВА ТАКРОРИЙ  
ЭКИНЛАРНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ, ҒЎЗА ҲАМДА ҒАЛЛА  
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ  
(Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида)**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3PhD/Qx156 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Халиков Баходир Мейликович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Болтаев Сайдулла Махсудович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Иминов Абдували Абдуманнобович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: [piim@agro.uz](mailto:piim@agro.uz)).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: [piim@agro.uz](mailto:piim@agro.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Н.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

**Д.Х.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

### **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича бугунги кунда 58,2 млн. гектарда сабзавот, 19,2 млн. гектарда картошка экилиб, сабзавот экинлари етиштириш Хитойда 580,7 млн.т, Ҳиндистонда 121,1 млн.т, картошка Россияда 34 млн.т, Ҳиндистонда 46 млн.т, ташкил этади. Шунингдек, «223,5 млн.гектарда буғдой, 25,2 млн. гектарда ғўза, 121,5 млн.гектарда соя, 12,6 млн.гектарда мош экилиб, сабзавотлардан 1 млрд. 150 млн.т, картошкадан 376,8 млн.т, буғдойдан 735,8 млн.т, пахтадан 25,0 млн.т, соядан 334,9 млн.т. ҳосил етиштирилмоқда»<sup>1</sup>. Ушбу мамлакатларда экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш, ҳамда тупроқ унумдорлигини экинларни алмашлаб экиш ҳисобига сақлаш ва оширишга қаратилган.

Дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги асосий масала тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўлиб, мазкур масала бўйича мунтазам равишда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинлардан юқори ҳосил олиш учун ғўза, буғдой экинлари сабзавот, картошка, дон ҳамда дуккакли-дон экинлари билан интенсив равишда алмашлаб экилади. Қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларда илмий асосланган алмашлаб экиш тизимлари орқали экинлардан экологик соф, мўл ва сифатли ҳосил олишга, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган илмий изланишлар долзарб ҳисобланади.

Республикада суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиш мақсадида, хусусан аҳолини озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси 3.3 бандида «...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий агротехнологияларни жорий этиш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ўсимлик мойи олинадиган экинларни экиш»<sup>2</sup> га алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги №14-сонли «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup> [www.faostat.fao.org](http://www.faostat.fao.org); <https://agrolib.ru/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларга мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда беда-ғўза алмашлаб экиш тизими бўйича З.Турсунхўжаев, В.Березовский, А.Болкунов, Қ.Мирзажонов, Ш.Нурматов, Н.Ўразматов, А.Қашкаровлар томонидан, кейинчалик қисқа навбатли ғўза-ғалла алмашлаб экиш тизимлари бўйича Р.Орипов, Р.Тиллаев, Б.Халиков, Ф.Намазов, Б.Избосаров, М.Авлиякуловлар, шунингдек хорижий олимлардан S.Brown, J.Keatinge, D.Luquet, A.Vidal, M.Smithлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Лекин, республиканинг водий вилоятлари, хусусан, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимларида ғўза ва ғалла мажмуида сабзавот, картошка ҳамда мош, соя ва маккажўхори каби экинларни кузги буғдой ва ғўзага ўтмишдош сифатидаги ўрни етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқоти институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-042-2015 «Муттасил ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни қисқа навбатли алмашлаб экишнинг тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсири» (2015-2017 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Андижон вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли (1:1) сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдой ва ғўзага ўтмишдош экин сифатида эртаки сабзавот ва такрорий экин турларини аниқлаш, уларнинг тупроқ унумдорлигига, шунингдек, кузги буғдой ва ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

оч тусли бўз тупроқлар шароитида қисқа навбатли (1:1) сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимларида эртаки сабзавот экинларини тупроқнинг микробиологик, агрокимёвий, сув-физик ва агрофизикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

қисқа навбатли (1:1) сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимларида такрорий экинларни илдиз ва анғиз қолдиқлари ва уларнинг таркибидаги озиқа моддалар миқдорини аниқлаш;

эртаки сабзавот экинларни ўтмишдош сифатида такрорий дуккакли-дон экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

такрорий дуккакли-дон экинларининг кузги буғдой ва ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

қисқа навбатли (1:1) сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдой ва ғўзага ўтмишдош экин сифатида мақбул эртаки сабзавот ва такрорий экин турларини аниқлаш;

қисқа навбатли (1:1) сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимларида эртаки сабзавот ва такрорий экинларни кузги буғдой дон ва пахта ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

қисқа навбатли (1:1) сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдой дон ва пахта етиштиришнинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида оч тусли бўз тупроқлар, ғўзанинг «Андижон-36», кузги буғдойнинг «Чиллаки», картошканинг «Зарафшон», карамнинг «Июнская», бодрингнинг «Ҳосилдор», сабзининг «Мушак-95», такрорий экинлардан соянинг «Нафис», мошнинг «Победа-104», маккажўхорининг «Ўзбекистон-306 АМВ» навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** қисқа навбатли (1:1) сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимлари, тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссалари, ўтмишдош сабзавот ва такрорий экинлар, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, маҳсулот сифат кўрсаткичлари, иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни ўтказишда «Агрофизик тадқиқот услублари», «Суғориладиган пахтачилик районларида агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик тадқиқотлар ўтказиш услублари», «Тупроқ ва ўсимликда агрокимёвий таҳлил ўтказиш услублари», «Картошка ва сабзавот-полиэ экинларида тадқиқотлар ўтказиш услублари», «Ўзада тажрибалар ўтказиш услублари», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ҳамда олинган маълумотларнинг ишончлиги ва тажрибалардан олинган маълумотларга математик ва статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Дала тажрибалари услублари» қўлланмасининг дисперсион таҳлил услуби асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза (1:1) алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдой ва ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишни ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишни таъминлайдиган мақбул ўтмишдош эртаки сабзавот ва такрорий экин турлари аниқланган;

эртаки сабзавот ҳамда такрорий экинларнинг тупроқ унумдорлиги, микробиологик ҳусусияти, ундаги умумий ва ҳаракатчан озиқа моддалар миқдори таъсири аниқланган;

вилоят шароитида қисқа навбатли сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза (1:1) алмашлаб экиш тизимларида такрорий экинларни илдиз ва анғиз қолдиқлари ва уларнинг таркибидаги озиқа моддалар миқдори аниқланган;

оч тусли бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза (1:1) алмашлаб экиш тизимларида эртаки сабзавот экинларни тупроқнинг сув-физик ва агрофизикавий хоссаларига таъсири аниқланган;

сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза (1:1) алмашлаб экиш тизимларида сабзавот, ундан сўнг экилган такрорий экинларнинг кузги буғдой ва ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида тадқиқ қилинган алмашлаб экиш тизимларида эртаки картошка ва бодринг парвариш қилинганда тупроқнинг ҳажм массасини бошқа сабзавот экинларига (карам, сабзи) нисбатан 0,04-0,05 г/см<sup>3</sup>га кам зичлаштирган, ғоваклиги 0,8-1,3 фоизга, сув ўтказувчанлиги 12-14 фоиз (70-80 м<sup>3</sup>/га) га юқори бўлган. Такрорий экин соя экилганда тупроқ ҳажм массаси мош ва маккажўхори экилган вариантларга нисбатан 0,02-0,03 г/см<sup>3</sup>га, ғоваклиги 0,5-0,9 фоизга, сув ўтказувчанлиги 10-16 фоизга яхшиланган;

такрорий мош ва соя учун сабзавот экинларидан энг мақбул ўтмишдош экин бодринг ва картошка ҳисобланиб, тупроқда мошдан 2,0-2,6 т/га, соядан 1,2-1,7 т/га илдиз ва анғиз қолдиқлари қолиб, улар орқали тупроққа мос равишда 22-36; 26-30 кг азот, 11-17; 9-13 кг фосфор, 22-35; 14-20 кг калий моддалари қайтиши аниқланган. Эртаки сабзавотлардан кейин соя ва мош экилганда гумус миқдори назорат вариантыга нисбатан тегишли равишда 0,9; 1,6 фоизга, умумий азот 14,4; 19,5 фоизга, фосфор 0,4-2,4 фоизга ошган;

эртаки картошка ҳамда бодрингдан кейин мош ва соя экилиб, уларнинг ўрнига кузги буғдой парвариш қилинганда дон ҳосилдорлиги ўртача 48-51 ц/га ни, қўшимча ҳосил картошка+мош ҳамда бодринг+мошдан кейин тегишли равишда 2,6; 2,8 ц/га ни, картошка+соя, бодринг+соядан кейин 4,7; 5,1 ц/га ни, эртаки картошкадан кейин мош ҳамда соя экилиб, улардан сўнг ғўза парваришланганда энг юқори ҳосилдорлик мос равишда 33,8; 34,7 ц/га ни, қўшимча ҳосил 3,6; 4,5 ц/га ни ташкил этган;

энг юқори самарадорлик эртаки картошка фонида такрорий экин сифатида соя етиштириб, унинг ўрнига кузги буғдой парваришланганда умумий даромад 3832500 сўм/га ни, шартли соф фойда 731504 сўм/га ни, рентабеллик даражаси эса 23,5%ни, ғўза парвариш қилинганда эса умумий даромад 6246000 сўм/га ни, шартли соф фойда 977093 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 18,5% ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг маълумотларда тасдиқланганлиги, тадқиқот натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққослаб, таҳлил қилинганлиги, тўпланган маълумотлар ҳисоботлар тарзида институт илмий кенгашларида муҳокама қилинганлиги ва ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлигини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш



тизимларида тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва оширадиган, кузги буғдой ва ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган мақбул ўтмишдош эртаки сабзавот ва такрорий экин турлари, уларнинг иқтисодий самарадорлиги илмий асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик йўналишида фаолият олиб бораётган кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун тупроқ унумдорлиги ва иқтисодий самарали бўлган сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Андижон вилоятининг фермер хўжаликлари учун «Алмашлаб экиш тизимларида сабзавот ва такрорий экинларнинг тупроқ унумдорлиги, ғўза ҳамда кузги буғдой ҳосилдорлигини ошириш бўйича Андижон вилояти фермер хўжаликларига тавсиялар» тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 02/029-154-сон маълумотномаси). Бу тавсиянома Андижон вилоятининг ғаллачилик, пахтачилик, сабзавотчилик йўналишларидаги кўп тармоқли фермер хўжаликларида юқори ва сифатли дон ва пахта ҳосили олишда қўлланма сифатида кенг фойдаланилган;

суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиш мақсадида сабзавот-ғўза, сабзавот-ғалла алмашлаб экиш тизимида тавсия қилинган эртаки сабзавотлар (картошка, карам, бодринг, сабзи) ва такрорий экинларни (мош, соя) ўтмишдош сифатида экилиши ҳамда ушбу экинлар ўрнида ғўза ва кузги буғдой экилиб, мақбул парваришлаш агротехнологияси Асака туманида жами 67 гектар майдонда жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 02/029-154-сон маълумотномаси). Натижада такрорий экинларнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари ҳисобига оч тусли бўз тупроқларнинг агрофизик ва агрохимёвий хоссалари яхшиланган, тупроқда мошдан 2,0-2,6 т/га, соядан 1,2-1,7 т/га илдиз ва анғиз қолдиқлари қолиб, улар орқали тупроққа мос равишда 22-36; 26-30 кг азот, 11-17; 9-13 кг фосфор, 22-35; 14-20 кг калий моддалари қайтиши аниқланган. Кузги буғдой дон ҳосилдорлиги ўртача 48-52 ц/га ни, ғўза парваришланганда эса ҳосилдорлик мос равишда 37,7-39,3 ц/га ни ташкил этган;

сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимлари Андижон вилоятининг Марҳамат туманида 54 гектар, Андижон туманида 18 гектар, Кўрғонтепа туманида 39 гектар, Асака туманида 67 гектар, Шаҳрихон туманида 10 гектар, жами 188 гектар майдонда жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 02/029-154-сон маълумотномаси). Натижада фермер хўжаликларида юқори натижалар олиниб, кузги буғдойдан гектарига 45,0-50,0 центнергача, пахтадан 35,0-38,0 центнергача юқори ва сифатли маҳсулот олиниб, ишлаб чиқаришда рентабеллик даражаси 18,0-22,0 фоизни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази ва Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар ТошДАУ Андижон филиалининг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва Халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 4 та маҳаллий ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **«Қишлоқ хўжалиги экинларининг алмашлаб экишнинг зарурати ва аҳамияти, қишлоқ хўжалиги экинларининг алмашлаб экишни тупроқ унумдорлиги, агрофизикавий, микробиологик хоссалари ҳамда экинлар ҳосилдорлигига таъсири бўйича адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилаётган омиллар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдой ва ғўзага ўтмишдош экин сифатида эртаки сабзавотлар ва такрорий экин турларини аниқлаш, уларни тупроқ унумдорлиги, кузги буғдой ва ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш борасидаги маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бундан ташқари, адабиётлар таҳлилларига асосланиб ресурстежамкор, иқтисодий жиҳатдан самарали агротехнологияларни ишлаб

чиқиш ва фермер хўжаликларида жорий килиш зарурияти бўйича хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ иқлим шароити» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Андижон вилояти Фарғона водийсининг шарқий қисмида, денгиз сатҳидан 330 м.дан 1000 м.гача баландда жойлашганлиги, шарқда Чотқол ва Фарғона тоғ тизмалари ва текисликлари билан ўралганлиги, жанубий қисми Олой ва Туркистон тоғ тизмаларидан иборат бўлиб, иқлимнинг кескин континенталлиги, вилоятда амал даврининг бошланиши март ойининг охирига тўғри келиши,  $10^0$  С дан юқори ўртача суткалик ҳарорат 202-222 кунга бориши, самарали ҳароратлар йиғиндиси 1-апрелдан 1-октябргача  $2027-2620^0$  С гача етиши, совуқсиз кунлар 194-214 кунгача давом этиши баён қилинган.

Йилнинг ёз кунларида ёғингарчиликни кам бўлиши, айрим йилларда мутлақо бўлмаслиги, ғарбий қисмида ҳавонинг жуда қуруқ бўлиши, ёғингарчиликнинг 75-75% га яқини қиш ва баҳор ойларига тўғри келиши, ўртача йиллик ёғин миқдори оч тусли бўз тупроқли ерларда 240 мм ни ташкил этиши, эрта баҳорги ва кузги ҳаво ҳароратининг мўътадил сақланиши туфайли ғўза ва бошқа экинларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит вужудга келиши, амал даврида суткалик ўртача ҳарорат оч тусли буз тупроқли ерларда  $21,6-22,6^0$  С даражани ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Дала тажрибалари Андижон вилояти, Асака тумани “Виктория Асака” фермер хўжалигида олиб борилганлиги, тажриба даласи тупроғининг механик таркиби ўртача қумоқ, қадимдан суғориладиган, шўрланмаган, сизоб сувлари ер юзидан 4-5 метр пастда жойлашганлиги, ҳайдов қатламидаги чиринди миқдори 0,9-1,1%, умумий азот 0,079-0,081%, фосфор 0,150-0,153% ни ташкил этиши баён қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш тизимлари ва услублари» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказиш тизимлари, услублари, тадқиқот ҳудудининг тупроқ шароитлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар иккита тажриба даласида ўтказилганлиги, 1-тажрибада 16 та вариант, ҳар бир вариантнинг умумий майдони  $240 \text{ м}^2$ , ҳисобга олиш майдони  $120 \text{ м}^2$  бўлиб, умумий майдони 1,5 гектарни, 2-тажрибада эса 12 та вариант, ҳар бир вариантнинг умумий майдони  $240 \text{ м}^2$ , ҳисобга олинадигани  $120 \text{ м}^2$  бўлиб, умумий майдони 0,8 гектарни ташкил этганлиги, иккала тажриба ҳам 3 такрорлашда олиб борилганлиги баён этилган.

Дала тажрибалари «Дала тажрибаларининг ўтказиш услублари» «Суғориладиган пахтачилик районларида агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик тадқиқотлар ўтказиш услублари», «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси»га асосан ўтказилиб, ҳосилдорлик бўйича маълумотларга Б.Доспеховнинг «Дала

тажрибалари услублари» қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида ишлов берилган.

Тупроқдаги чиринди миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдори А.Ф.Гриценко ва И.М.Мальцева услубида, нитратлар шаклидаги азот Гранвальд-Ляжу усулида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий П.В.Протасов усуллари бўйича таҳлил қилинган. Тупроқнинг ҳажм массаси ва умумий ғоваклиги Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги С.И.Долгов усулида аниқланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот натижалари. Эртаки сабзавот, такрорий экинлар, кузги буғдой ва ғўзани тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хусусиятларига таъсири»** деб номланган тўртинчи бобида эртаки сабзавот, такрорий экинлар, кузги буғдой ва ғўзани тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик хоссаларига таъсири, ўсимликларнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари ҳамда улар таркибидаги озика элементлари миқдори баён қилинган.


Тадқиқотнинг 1-тажриба даласида картошка ва эртаки сабзавот экинларидан бодринг экилган вариантларда тупроқнинг (0-30 см) ҳажм массаси дастлабки кўрсаткичга нисбатан  $0,06-0,07 \text{ г/см}^3$  га ортган бўлса, карам ва сабзи экилган вариантларда  $0,010-0,11 \text{ г/см}^3$  га ортганлиги, яъни картошка ва бодринг етиштирилган вариантларга нисбатан  $0,04-0,05 \text{ г/см}^3$  га кўп зичлашгани аниқланган. Такрорий экинларнинг амал даври охирида олинган маълумотларга кўра, мош экилган вариантларда ҳажм масса  $0,03-0,05 \text{ г/см}^3$  га, соя экилган вариантларда  $0,01-0,03 \text{ г/см}^3$  га, маккажўхори экилган вариантларида  $0,06-0,07 \text{ г/см}^3$  га зичлашгани, яъни соя тупроқни мошга нисбатан  $0,2-0,3 \text{ г/см}^3$  га, маккажўхорига нисбатан  $0,05-0,06 \text{ г/см}^3$  га кам зичлаштириши аниқланган. Соянинг ўрнида кузги буғдой парвариш қилинган вариантларда амал даври охирида тупроқнинг ҳажм массаси  $1,34-1,37 \text{ г/см}^3$  ни ташкил этиб, мош фонида экилганга нисбатан  $0,1-0,02 \text{ г/см}^3$  га, маккажўхори экилганга нисбатан  $0,03-0,05 \text{ г/см}^3$  га кам бўлганлиги кузатилган.

Тажриба даласида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 1 соатда  $327,4 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, 6 соатда  $718,6 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил этган. Сув ўтказувчанлик амал даври охирида 6 соатда картошка экилган вариантларда дастлабки кўрсаткичларга нисбатан  $28,1-33,1 \text{ м}^3/\text{га}$ , эртаки карам экилган вариантларда  $98,8-106,6 \text{ м}^3/\text{га}$ , эртаки бодринг экилган вариантларда  $35,5-38,7 \text{ м}^3/\text{га}$ , эртаки сабзи етиштирилган вариантларда  $98,9-108,3 \text{ м}^3/\text{га}$  камайганлиги аниқланган. Эртаки картошка ва бодрингдан сўнг такрорий экин сифатида соя экини парваришланганда сув ўтказувчанлик энг кам миқдорда, жами 6 соатда  $9,0-13,4 \text{ м}^3/\text{га}$  камайиши кузатилган. Ушбу кўрсаткичлар карам ва сабзидан кейин  $46,5-49,4 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил этган.

Эртаки сабзавот ва такрорий экинларнинг тупроқнинг сув ўтказувчанлигига сўнгги таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, кузги буғдойнинг амал даври охирида сувнинг тупроққа бошқа вариантларга нисбатан кўпроқ сингиши ( $678,5 \text{ м}^3/\text{га}$ ) картошка+соя экилган вариантда

аниқланган. Мазкур кўрсаткич картошка+мошдан кейин 668,6 м<sup>3</sup>/га ни, картошка+маккажўхоридан кейин 634,0 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этган.

Умуман олганда, иккала тадқиқотда ҳам картошка ва бодринг экилган вариантларда тупроқнинг ҳажм массаси ва сув ўтказувчанлиги карам ва сабзи экилган вариантларга нисбатан яхши бўлганлиги, мазкур сабзавот экинлари ўрнига сояни экилиши натижасида тупроқнинг ушбу агрофизикавий кўрсаткичлари янада яхшилангани кўрсатиб ўтилган.




**1-расм. Эртаки сабзавот, такрорий экинлар ва кузги бугдойни тупроқнинг ҳажм массасига таъсири, г/см<sup>3</sup>, (2015 йил, 1-тажриба)**

Тадқиқотда ўрганилган экинларнинг тупроқдаги озика моддаларининг ялпи миқдорларига бўлган таъсири таҳлил қилинганда картошка экилган назорат вариантыда тупроқни ҳайдов (0-30 см) қатламида гумус миқдори дастлабки тупроқ кўрсаткичларига нисбатан 0,012% га, азот 0,012% га, фосфор 0,005% га камайган бўлса, сабзи экилган назорат вариантда тегишли равишда гумус 0,016% га, азот 0,014% га, фосфор 0,007% га камайган. Карам ва бодринг экилган назорат 2 ва 3 вариантларда камайиш камроқ бўлиб, гумус миқдори 0,006-0,007 ва 0,002-0,003% га, азот миқдори 0,009-0,010 ва 0,004-0,005% га, фосфор 0,003-0,005% га камайганлиги аниқланиб, яқунда картошка ва эртаки сабзавот экинларидан сабзи карам ва бодрингга нисбатан озика моддаларни 0,7-1,2% га кўп миқдорда ўзлаштириши баён қилинган.

Такрорий экинлар (мош, соя, маккажўхори) амал даври охирида олинган маълумотларга кўра, эртаки картошка ва сабзидан кейин такрорий экин сифатида мош етиштирилган 5 ва 8 вариантларда тупроқни ҳайдов (0-30 см) қатламида гумус миқдори 0,805; 0,808% ни ташкил этиб, такрорий экин экилмаган 1 ва 4 назорат вариантларга нисбатан гумус миқдори 0,010-0,011% га, умумий азот миқдори 0,006-0,007% га, фосфор 0,003-0,005% га, эртаки карам ва бодрингдан кейин мош етиштирилган 6 ва 7 вариантларда гумус миқдори 0,811; 0,812% ни ташкил этиб, такрорий экин экин экилмаган 2 ва 3 назорат вариантларга нисбатан гумус миқдори 0,009-0,009% га, умумий азот миқдори 0,006-0,009% га, фосфор миқдори 0,004-0,005% га ошганлиги, эртаки картошка ва сабзидан кейин соя етиштирилган 9 ва 12

вариантларда эса гумус миқдори 0,804; 0,806% ни ташкил этиб, такрорий экин экилмаган 1 ва 4 назорат вариантларга нисбатан гумус миқдори 0,008-0,010% га, умумий азот миқдори 0,005-0,006% га, фосфор миқдори 0,003-0,007% га ошганлиги аниқланган. Эртаки карам ва бодрингдан кейин соя етиштирилган 10 ва 11 вариантларда гумус миқдори 0,808-0,809% ни ташкил этиб, такрорий экин экилмаган 2 ва 3 назорат вариантларга нисбатан гумус миқдори 0,006% га, умумий азот миқдори 0,005-0,007% га, фосфор миқдори 0,006-0,007% га ошганлиги баён этилиб, эртаки сабзавотлардан кейин дуккакли-дон экинларни (соя, мош) экиш эртаки сабзавотлар томонидан ўзлаштирилган озиқа моддалар миқдорини тиклашга ёрдам бериши, тупроқдаги гумус (0,008-0,014% га) ва ялли азот (0,003-0,007% га) миқдорини нисбатан ошириши келтирилган.



**2-расм. Сабзавот-такрорий экин-ғалла алмашлаб экиш тизимларида экинларнинг тупроқдаги гумус миқдори таъсири, % (2015 йил, 1-тажриба)**

Тадқиқотда ўрганилган экинларнинг тупроқдаги озиқа моддаларининг ҳаракатчан шаклларига бўлган таъсири таҳлил қилинганда эртаки сабзавот экинлари амал даври охирида нитратли азот 3,24 мг/кгдан 5,37 мг/кг гача, ҳаракатчан фосфор 2,24 мг/кг дан 5,35 мг/кг гача, алмашинувчи калий эса 10 мг/кг дан 20 мг/кг гача камайганлиги аниқланган. Эртаки сабзавот экинлардан сабзи билан бодринг кўпроқ азотли ўғитларга талабчан бўлганлиги кузатилиб, мазкур экинлар карам ва картошкага нисбатан нитратли азотни 1,74-1,89 мг/кг га, яъни 25-30% га, сабзи ва карам экинларини талаби кўпроқ фосфорли ўғитларга бўлиб, улар картошка ва бодрингга нисбатан ҳаракатчан фосфорни 1,10-1,23 мг/кг га, яъни 10-12% га, картошка кўпроқ калий ўғитига талабчанлиги аниқланиб, бошқа экинларга нисбатан 5-10 мг/кг га, яъни 4,5-4,7% га кўп ўзлаштиргани аниқланган.

Сабзавот-ғалла ва сабзавот-ғўза алмашлаб экиш тизимларида эртаки сабзавот экинларидан кейин такрорий дуккакли-дон (мош ва соя) экинларини экилиши натижасида такрорий экин экилмаган назорат далага нисбатан нитратли азот миқдори (0-30 см) 1 кг тупроқда 1,5-2,9 мг, ҳаракатчан фосфор

миқдори 0,07-0,5 мг.га юқори бўлганлиги, такрорий экинлар туридан катъий назар калий миқдорини 10-20 мг.га пасайганлиги, бу эса мазкур экинларни (мош, соя, маккажўхори ва кузги буғдой) парваришида калийли ўғитларни қўллаш меъёрларини кўриб чиқиш зарурлиги баён этилган.

Такрорий экинларнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари бўйича олинган 1-тажриба маълумотларига кўра, энг юқори натижа эртаки картошка ва бодрингдан кейин экилган мош вариантларида кузатилиб, ушбу миқдор тегишли равишда 1,90; 2,05 т/га ни ташкил этиб, эртаки карам ҳамда сабздан кейин мош экилган вариантларга нисбатан тегишли равишда 0,27; 0,37 т/га юқори бўлган. Эртаки картошкадан кейин соя парваришланганда эса анғиз ва илдиз миқдорлари 1,57 т/га, эртаки бодрингдан кейин эса гектарига 1,65 тоннани ташкил этгани кўрсатилган. Тадқиқотнинг 2-тажрибасида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар олинган.

Такрорий экинларнинг анғиз ва илдиз қолдиқлари таркибидаги озиқа моддалар бўйича 1-тажрибадан олинган маълумотларга кўра, эртаки картошка фонида етиштирилган мошнинг органик қолдиқлари таркибида азот 26,4 кг, фосфор 12,7 кг, калий эса 25,9 кг ни, эртаки карам фонида етиштирилган мош кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 3,6; 1,7; 3,5 кг.га юқори, эртаки бодринг фонида етиштирилган мошда мазкур кўрсаткичлар 28,2; 13,5; 27,7 кг ни ташкил этиб, эртаки сабзи фонида етиштирилган мош кўрсаткичларига нисбатан 5,1; 2,4; 5,0 кг гача юқори бўлганлиги кузатилган.

Картошкадан кейин такрорий экин сифатида соя парваришланганда эса эртаки карам фонида соя парвариш қилинганга нисбатан бу кўрсаткичлар мос равишда 3,5; 1,5; 2,3 кг га, эртаки бодринг фонида соя парвариш қилинганда эса эртаки сабзи фонида соя парвариш қилинганга нисбатан 1,8; 3,3; 3,5 кгга юқори бўлганлиги аниқланган. 2-тажрибадан олинган маълумотларда ҳам эртаки картошка ва бодрингдан кейин мош ва соя етиштирилганда бошқа вариантларга нисбатан азот миқдори мошда 4,5 кг, сояда 6,4 кг, фосфор миқдори мошда 2,3 кг, сояда 2,7 кг ва калий миқдори мошда 4,2 кг, сояда 4,0 кг га юқори миқдорда бўлганлиги аниқланган. Такрорий экинлар мош ва соя учун сабзавот экинларидан энг мақбул ўтмишдош экин бодринг ва картошка эканлиги, мошнинг 2,0-2,6 т/га органик қолдиғи таркибида 22-36 кг азот, 11-17 кг фосфор, 22-35 кг калий, соянинг 1,2-1,7 т/га органик қолдиғи таркибида 26-30 кг азот, 9-13 кг фосфор, 14-20 кг калий мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотда ўрганилган экинларнинг тупроқдаги микроорганизмлар сонига таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, гумусни тез парчалаб, беҳуда сарфланишига сабаб бўлувчи олиготроф микроорганизмлар тажрибанинг назорат ва маккажўхори парвариш қилинган вариантларида мош ва соя парвариш қилинган вариантларига нисбатан 18-20% кўп миқдорда, аксинча, азотни ўсимлик ўзлаштира оладиган ҳолатга олиб келувчи аммонификаторлар миқдори 35-40% га, таркибида органик бирикмалар тўплайдиган олигонитрофиллар миқдори 20-25% га кам бўлганлиги аниқланган. Тажрибада тупроқдаги азотни газ ҳолида йўқолишига сабаб бўладиган денитрафикатор микроорганизмлар миқдори

тажрибанинг назорат вариантларида дастлабки миқдорга қараганда 1,4-1,9 мартага кўпайган бўлса, мош ва соя парвариш қилинган вариантларда 6,9-17,8 мартага камайганлиги изоҳлаб берилган.

Диссертациянинг «**Алмашлаб экиш тизимида ўтмишдош картошка, эртаки сабзавот ҳамда такрорий экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги**» деб номланган бешинчи бобида картошка, сабзавотлардан карам, бодринг, сабзи ҳамда такрорий мош, соя, маккажўхори каби экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

2015 йилда олинган маълумотларга кўра, 1-тажрибада картошкани кўчат қалинлиги 43,0-46,7 минг/га, бўйи 35,2-39,3 см, жами туганаклар сони бир ўсимликда 7,2-8,4 дона, 1 дона туганак вазни эса ўртача 78,7-85,9 г, ҳосилдорлик 265,1-269,5 ц/га, эртаки карамнинг кўчат қалинлиги 28,9-31,1 минг/га, бўйи 25,0-26,1 см, барглар сони 16,1-17,5 дона, 1 дона карамбошнинг вазни 0,98-1,04 кг, ҳосилдорлиги 329,8-334,7 ц/га, эртаки бодрингнинг кўчат қалинлиги 34,1-35,5 минг/га, бўйи 42,0-44,9 см, барглар сони 13,7-14,0 дона, ҳосил элементлари 7,4-8,2 дона, 1 дона бодрингни вазни 0,05-0,06 кг, ҳосилдорлиги 106,8-112,2 ц/га, эртаки сабзининг бўйи 22,5-26,6 см, 1 м<sup>2</sup> даги сабзининг сони 91,3-94,0 дона, 1 дона сабзининг вазни 49,1-50,3 г, ҳосилдорлиги 163,7-167,0 ц/га ни ташкил этганлиги баён қилинган.

Эртаки картошка ва бодринг ўрнига экилган мошнинг биологик кўрсаткичлари бошқа фондаги натижалардан юқори бўлганлиги, масалан, эртаки карамдан кейин мош экилган вариантга нисбатан кўчат қалинлиги 1,1 минг тупга, бўйи 1,7 см га, ҳосил шохлари сони 1,1 донага, дуккаклар сони 2,6 донага ҳамда дон ҳосилдорлиги 1,8 ц/гага юқори бўлганлиги келтирилиб, сояни нисбатан жадал ўсиб-ривожланиши фақат картошкадан кейин экилган вариантда кузатилган. Бунда соя картошкадан кейин экилганда эртаки карамдан кейин экилган сояга нисбатан кўчат қалинлиги 2,5 минг/га, бўйи 4,9 см, ҳосил шохларини сони 0,5 донага, дуккаклар сони 1,9 донага, дон ҳосилдорлиги 3,7 ц/га га юқори бўлгани аниқланган.

Диссертациянинг «**Эртаки сабзавот ҳамда такрорий экинларнинг ўтмишдош сифатида кузги буғдой ва ғўза экинларига нисбатан ўрни ва аҳамияти**» деб номланган олтинчи бобида сабзавот ва такрорий экинларни ўтмишдош экин сифатида кузги буғдой ва ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, дон ва толанинг сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

